

ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАШ-ГУМАНИСТИК ВАЗИФАМИЗДИР

Ж.Таспанова - ассистент ўқитувчи

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети***Таянч сўзлар:** кадриятлар, аксиологик тарбия, энг муҳим илмий-маърифий вазифалар.**Ключевые слова:** ценности, аксиологическое воспитание, важнейшие научно-просветительские задачи.**Key words:** values, axiological training, the most important scientific and educational tasks.

Қадриятларни замонавий фалсафа илмида унинг аксиология бўлими ўрганади. Инсон табиатнинг олий махсули сифатида ҳаётнинг гултожи ҳисобланади. Унинг ўз аксиологик жамғармаси бор. Улар инсоннинг ҳаётини эҳтиёжларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи омилларидир. Қадриятларни қадрламаслик ўзига яраша гумроҳлик бўлиши аён. Ўзганинг қадрини етмаганлар ўз қадрига ҳам етмайдилар, ёхуд аксинча, ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини на билсин!?

Маълумки, кадриятлар моҳиятига кўра моддий ва маънавий, кўламига кўра эса миллий ва умумбашарий гуруҳларга бўлинадилар. Ҳаёт учун энг зарур моддий кадриятлар бу-ҳаво, сув ва озиқ-овқатлар қабилад бўлса, маънавий кадриятларга диний эътиқод, адабиёт ва санъат махсулотлари, гўзаллик ифодалари каби маънавий ва маърифий омиллар мансубдир. Миллий кадриятларга миллатнинг асрий ва анъанавий жамғармаси, урф-одатлари, миллий менталитетнинг ўзига хос элементлари ва компонентлари тегишли бўлса, умумбашарий кадриятлар инсоният феноменининг ноёб ва бетакрор, миллат ва ҳудуд, диний ва иркий тафовутларни четлаб ўтадиган моддий ва маънавий бирликлари ҳамда асрий бойликларидир.

Инсон нафас олмасдан атиги бир неча минутга бардош бера олса, сувсиз атиги бир неча суткага чидай олади. Озиқ-овқатларсиз эса узоқроқ муддатга умр ипи узилмасдан тура олиши мумкин. Бу ўлчамлар ўта нисбий бўлиб, тирик организмларнинг турли вакиллари учун турлича микёс касб этади, албатта. Масалан, чаёнлар олти ойгача овқатсиз яшай олгани ҳолда ниначи хашоратлар синфи вакиллари энг очафотлиги билан ажралиб туради. Читтак бир суткада ўз вазнига тенг оғирликдаги овқатни истеъмол қилади. Одамларнинг очликка чидамлилиги 1960 йилда Тинч океан ҳарбий флотининг аъзоларидан 4 киши моторли қайикда очик океанга сайрга чиққанида пўртана бошланиб мотор ўчиб қолгани ва одамларнинг тақдири бошқарилмайдиган сузгига боғланиб қолгани ҳамда улар очнаҳор ҳолда 49кун давомида беҳуш аҳволда АҚШнинг акватория кўриқчилари томонидан кўриб қолганида реал тажриба-синовдан ўтганида тасдиқланди. Марварид овчилари (туғрироғи чиғонокли моллюскаларни дур илнжида овловчилар) мунтазам машқ туфайли сув тагида 10-12 минутгача тура олишга эришганликлари ҳам бор гап. Сувсизликка чидамлик эса мутлақо бошқа нарса. Туркменистонлик олим Р.Багировнинг «Утоление жажды» номли монографиясида бу борадаги кизик маълумотлар келтирилган [1:64].

Иккинчи жаҳон уруши давридаги Ленинград шаҳрининг 903 кунлик камали билан боғлиқ фактлар инсонларнинг очлик билан олишиш матонатига кўплаб мисоллар топиб берганди. Бир бурда нонга зор бўлиб бу ёруғ олам билан бевақт видолашганларнинг ҳақки-хурмати бугунги дастурхонимиз тўкилишига ҳар қанча шукрона келтирсак шунча оз. Ноннинг нақадар азиз ва мўътабар неъмат эканлигини очарчилик, қаҳатчилик ва қимматчиликларни бошдан кечирган аждодларимиз биздан кўра яхшироқ биладилар. Бир қултум сувга зор бўлишнинг қиммати Широк саҳрога етаклаб ҳалоқ этган ғанимлардан сўраш керак эди. Яқин-яқинларгача валюта олиб-сотиш билан шуғулланувчи судхўрларнинг ўйлаб топган бемаъни ибораси эшитганларнинг этини жимирлатар эди: «Пул-пулни топади, аҳмоқ кетмон чопади». Дехқон шудгор қилмаса ва уруғ қадамаса, ғалла хирмонлари уюлмаса, тегирмончи ун чиқармаса, новвой ҳамир қориб нон ёпмаса, «долларчилар» ал-

лақачонлар бир-бирининг гўштин еб қўйган бўлардилар.

Дунёнинг энг нуфузли мукофотларидан бири бўлган-Нобель номидаги мукофот ул зотнинг васиятига биноан бир инсон боласига унинг умри давомида фақат бир марта берилиши лозим бўлгани ҳолда ушбу мукофотни берувчиларнинг изн-ихтиёри ва тулақонли розилиги туфайли 4 кишига истисно тариқасида икки мартадан берилган: 1. Мария Склодовская-Кюри (Польша-Франция)= 1903-йил – физика; 1911-йил-кимё. 2. Лайнус Полинг (АҚШ)= 1954йил- кимё; 1962-йил Нобель тинчлик мукофоти. 3.Жон Бардин (АҚШ)= 1956йил-физика; 1974йил-физика. 4. Фредерик Сенгер (Англия)= 1958 йил-кимё; 1980-йил кимё.

Ана шу рўйхатдаги Лайнус Полинг иккинчи мукофоти атмосферада ядро синовларини тўхтатиш ташаббуси ва дунё ҳаво қатлами барчамизга олий даражадаги моддий кадрият эканлигини эътироф этгани учун олган эди. Дарҳақиқат, азот (ҳажм жиҳатидан 78 %) ва кислород (ҳажм жиҳатидан 21%) газларининг табиий аралашмаси бўлган ҳаводан бой ҳам, мусулмон ҳам, даҳрий ҳам, буддист ҳам, христиан ҳам, мирлар ҳам, саидлар ҳам, беклар ҳам, куллар ҳам, хуллас, аэроб бактериялардан тортиб то сут эмизувчиларгача, балиқлардан тортиб то қушларгача нафас олиши назарда тутилса, атмосфера биосферанинг деярли барча вакиллари учун алмаштириб бўлмайдиган моддий кадрият эканлигини англаб етган буюк олим атмосферанинг экологик тоза сақланиши лозимлиги учун бонг урганди.

Машҳур француз океанографи Жак Ив Кусто дунё аҳолисига қарата, «Одамлар, Еримизнинг сув қобиги (гидросфера) барчамизнинг умумий қонимиздир, унинг тоза сақланиши биз учун ҳаёт-мамонт масаласидир!», дея хитоб қилганида, нақадар ҳақ эди.

Она заминни, қадрон тупроқни тоза сақлаш ҳам ўта муҳим масаладир. Республикамызда пахта яккахокимлиги йилларида экин майдонларига пестицидлар шунчалик кўп солиндики, буларнинг эпилогини (хотимасини) бугунги кунда жон талвасасида қолган Орол денгизи ва унинг қуриб қолган қисмидан кўтарилаётган қум ва чанг бўронларидан сўраш керак. Собик шўролар империяси чок-чокидан сўқилиб, жон таслим қилгач, архив материалларига қўл ета бошлагач, маълум бўлдики, Россия Федерациясининг Новосибирск вилояти ҳудудидаги экин майдонларининг ҳар гектарига бир бирлик пестицидлар сепилган бўлса, Ўзбекистоннинг пахта далаларининг гектар бошига 82 (!) бирлик захиротиллар ишлатилган экан [2:32].

Бир замонлар Соҳибқирон Амир Темур «Агар бир дарахтни кесмоқчи бўлсангиз, дастлаб ўн туп ниҳол ўтқазинг», деган экан. Бир қарашда бундай вазиятда Ер юзи мутлақ дарахтзор бўлиб кетиши керакдек туюлади. Аслидачи, ўша ўнта ниҳолдан 2 таси сувсизликдан, яна иккитаси қандайдир молнинг ғажшишдан, яна иккитаси зумрашаларининг синдириб ташлашидан, яна бошқа иккитаси касаллик ёки дарахтларнинг зараркунандалари таъсиридан хароб бўлиши ва экилган 10 туп кўчатдан битта ёки иккитаси дарахт бўлиши мумкинлигини ҳисобга олинса, Соҳибқироннинг панду ўғити нақадар тўғрилигига имон келтириш мумкин.

Донишманд халқимизнинг лексикони (луғат захираси)даги «Кўчиб кетсанг ҳам экиб кет», «Яхшидан боғ қолади, ёмондан эса доғ...», «Бир киши кўчат экур, минг киши эса ундан ризқ олур», «Мевали дарахтга тош тегар», «Мевасиз дарахт ҳам керак, соя-салқини тегса керак», «Ҳазонрезлигига чидамаган чинор экмас»,

«Шафтолидан боғ бўлмас» деганлар қачон шафтоли ерканлар...», «Тол экмасанг халачўпга ҳам зор бўласан», «Терак экмаган тандиркосовга ҳам ёлчимас...», «Ширасига (ўсимлик бити назарда тутилмоқда) чидаганлар тут ейди...», «Қуриб қолган дарахт ҳам уйингни иситишга ярайди», «Олма пиш, оғзимга туш» дейдиганларнинг пешонаси бемаврид ғурра бўлур», «Қари тутдан сип-силлик ипак бўлур», «Гилос йўғида олча ҳам гилос, олчани ҳам биров бермас», «Токка чикмасанг дўлона қайда, жон чекмасанг жанона қайда», «Тикони бўлса ҳам гул яхши, сепкили бўлса ҳам қиз яхши», «Икки луччак (шафтоли), битта анжир бўлолмас», «Терак-доимо элга керак», «Арча-соясси бир парча», «Ўзганинг мирзатерагидан не наф, ўзининг бақатерагиндан қолма», «Қарасанг боғ булур, қарамасанг доғ булур», «Юлғунни хунук дема, қамчидастаси чиройли», «Эмон дарахтининг эгилгани-сингани, эр йигитнинг

Адабиётлар

1. Багиров Р. «Утоление жажды» монография. -Ашхабад: «Наука» 1990.
2. Омонов Х.Т., Курбонназаров О.А. Кимё, инсон ва биосфера. -Тошкент: Ўзбекистон зиёлиларининг илмий-маърифий асоциацияси. 1993, 32-б.

Мақолада кадрятлар ва уларнинг эъзозланиши ҳамда кадрятларга содиқлик борасидаги фикрлар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье изложены мысли о ценностях, о причинно-следственных явлениях и о преданности, относительно материальных и духовных ценностей.

SUMMARY

The article presents the ideas and thoughts values, about the cause-and consecutive-events and devotion, to material and spiritual values.

ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНДАҒЫ ҲАҚИЯТ КӨРКЕМЛИК ТӘРБИЯ СИСТЕМАСЫНДА ЖЕКЕ АДАМНЫҢ ӨЗИНИҢ ДӨРӨТІҮШИЛИК МҮМКИНШИЛИКЛЕРИН ЖҮЗЕГЕ ШЫҒАРЫҮЫ МӘСЕЛӨЛӨРИ

Т.В.Уразимова - *көркем өнер таныў илимлериниң кандидаты*

Әжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: педагогика, ижтимоий жараён, ўкитиш жараёни, методология, ўкитиш усуллари, инновацион технология, иждокорлик.

Ключевые слова: педагогика, социальная сфера, процесс образования, методология, методы образования, инновационная технология, творчество.

Key words: Pedagogics, social sphere, teaching process, methodology, teaching methods, innovative technology, creativity.

Өсип киятырған жас әўладты көркемлик мәдениетқа оның ең әҳмийетли элементлериниң бири – көркемлик билимлендириў арқалы тартыў тек ғана жеке адамға нәтийжели тәсир көрсетиў куралы болып қалмастан, ал әзелден мәдениет дәстүрлер хәм руўхый қәдириятларға бағдарлаўдың жетекшиси болған билимлендириўдың жағдайына да толық тәсир етеди.

Жеке адамның психологиялық өзгешеликлери хәм көркем өнердиң социаллық ўазыйпалары хәр бир адамның өмириндеги ўзликсиз көркемлик билимлендириўдың ҳақыйкый тийкарлары болып табылады. Оның әмелге асырылыўы, ол билимлендириўдың қайсы тараўында ислеўине қарамастан–улыўма билим бере-туғын ямаса арнаўлы болмасын айрықша шөлкемле-стириў менен байланыслы.

Жаңа билимлендириў парадигмасының билимлендириўдың бурынғы системаларынан оғада көп парық қылып, ондағы баслы бағдарлар хәм қәдириятлардың мәниси өзгериске ушырайды. Билимлендириў мақсе-тиндеги баслы бағдарлардың өзгериўи билимленди-риўдың мазмунына да тәсир етеди, ол пүткил кәсиплик, соның ишинде көркемлик билимлендириў системасы-ның дүзилисин де өзгertiўге мәжбүрлейди.

Көркем өнер тараўындағы педагог тек ғана оқытыўшы хәм тәрбияшы емес, ол және сүўретши де (музыкант хәм т.б). Бул оның кәсиплик таярлығының да айрықша өзгешелигине себепши болады. Сонлықтан көркемлик-педагогикалық билимлендириўдың ең жақсы жолларын жедел илимий хәм әмелий излениўлер бұгинги күни де даўам етпекте.

«Болон» декларациясына қол қойған, Өзбекстан ўатанымыздың көркем билимлендириўи системасының тәғдири шешилетуғын белгили миннетлемелерди өзине

уялғани-ўлғани» қаби иборалар дов-дарахтларнинг нақадар катта эқоижтимоий ва эқоиктисодий аҳамиятга эға эканлигини тасдиқлайди.

Бир сўз билан айтылганда, кадрятларға ҳурматини саклай олмаган миллат ва элатлар инқирозға юз тутиши табиийдир.

Бунинг учун: 1. Жамият аъзоларининг аксиологик тафаккурини шакллантириш, уни аксиологик маданият даражасига, сўнгра эса аксиологик онг даражасига ўсиб етишини таъминлаш лозим.

2. Худди шундай вазифани экологик тафаккур, ма-даният ва онг микёсида хам қўйиш керак.

3. Ўсиб келаётган авлодга аждодларнинг анъанала-ри ва илмий иждодий меросини кадрлаш хамда эъзозлаш борасида илмий-маърифий ташвиқот ва тарғибот ишла-рини кучайтириш давр талабидир.

алды. Соның менен бирге, Европа билимлендириў кеңислигине ийкемлесиў хәм биригиў ҳақкындағы бил-дириў шегерасында көркем өнер тараўындағы билим-лендириўде талабалардың алатуғын билимлериниң хәм көнликпелериниң өзине тән болған тереңлигин, кәсип-лик тыянақлылығын хәм әмелий бағытланыўшылығын саклап қалыўы үлкен әҳмийетке ийе.

Көркемлик билимлендириўдың тийкарғы айрықшалығы, бул негизлердиң тығыз өз ара байланыслылығындағы сезимлер хәм ақылға таяныў болып табылатуғынлығы хәммеге мәлим. «Руўхый кәмалға келиўди» тек ғана бир пүтин, ўзликсиз көркемлик раўажланыў системасы, ўзликсиз, педагогикалық бағдарланған, жаңа мағлыўмат технологияларынан пайдаланыў хәм көркем өнер шығармалары менен байланыста болыў процеси ғана тәмийинлей алатуғынлығы әҳмийетли болған көркем өнердиң өзине тәнлиги хәм көркемлик билимлендириўдың айрықшалығы мине усындай [1:72-73].

XXI әсир – бул мағлыўмат технологиялары әсири, мине тап усылардың тәсири астында бизди қоршап турған өмир ҳақыйқатлығы өзгередиди, ал оның менен бирге усы орталықта жасап атырған адам хәм жәмийет те өзгередиди. Солай екен, педагогикалық искерликтин мақсети, сүўретлеў өнерин оқытыўда мағлыўматлы-байланыс технологияларын қолланыў нәтийжесинде оқыўшылардың дөретиўшилик белсендилегиниң унамлы тәрәпке қарай өсиўин тәмийинлеў деп айтыўға болады. Оқыўшыларда мағлыўматлы-байланысларды билиўди қәлиплестириўге жәрдем беретугын, оқытыўдың инновациялық технологиялар усылын қолланыў сүўретлеў өнерин үйрениў барысында